

ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТ ВА МАФКУРАНИНГ ЎРНИ

Усмонов Саидикромхўжа Саидалиевич

ЎзМУ ҳарбий тайёргарлик ўқув маркази цикл бошлиғи

фалсафа фанлари доктори (PhD)

usmonovsaidikromxoja@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада навқирон ёш авлодни маънавий тарбия ҳамда янгича дунёқараш асосида камол топтириш, ҳозирги тараққиёт босқичида нафақат ёшлар, балки жамиятимизнинг барча аъзолари орасида ватанпарварлик, она юртга муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада мустахкамлаш муҳим масала эканлиги ёритилган.

Таянч иборалар: *Маънавият, тарбия, ватанпарварлик, садоқат, миллий ғоя, бурч, муҳаббат, ҳурмат, иймон-эътиқод, таффақкур.*

РОЛЬ НАЦИОНАЛЬНОЙ ДУХОВНОСТИ И ИДЕОЛОГИИ В ВОЕННО-ПАТРИОТИЧЕСКОМ ВОСПИТАНИИ МОЛОДЁЖИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье освещены вопросы усиления работы по духовному воспитанию молодого поколения на основе нового мировоззрения, укреплению не только у молодёжи, но и у всех членов общества таких качеств как патриотизм, любовь и преданность к Родине.

Ключевые слова: *Духовность, воспитание, патриотизм, верность, национальная идея, долг, любовь, уважение, убеждение, мышление.*

Бугунги кунда ёшларимиз маънавияти, маънавий тарбия ҳақида сўз борганда, навқирон авлодни янгича дунёқараш асосида камол топтиришни унутмаслигимиз лозим. Чунки ҳозирги тараққиёт босқичида нафақат ёшлар, балки жамиятимизнинг барча аъзолари орасида ватанпарварлик, она юртга муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада мустахкамлаш муҳим масала ҳисобланади. Бундай муқаддас тушунчалар одамлар тафаккурига юртимизда турли соҳаларда амалга ошириляётган ўзгариш ва янгиланишлар билан биргаликда сингиб бормоқда. Миллий ғоя ва мафкура масаласи бу жараёнда асосий омил саналади.

Миллий ғояни кенг тарғиб этиш, унинг асосий тушунча ва тамойилларини кенг халқ оммаси онгига сингдириш мақсадида кўплаб илмий ва илмий-оммабоп нашрлар, луғат ва рисоалар, маъруза матнлари, воизлар учун махсус қўлланмалар ва кўргазмали воситалар тайёрланди. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситаларида маънавий-маърифий ҳаётимиздаги ўзгариш ва янгиликлар, бу борада кўпчиликни ўйлантираётган масалалар мунтазам равишда ёритиб борилмоқда.

Айни пайтда “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фанини ўқитишда таълимнинг интерактив усуллари, илғор педагогик технологияларни ҳамда компьютер ва мультимедиа воситаларини, электрон версияларини жорий этиш, уни кўргазмали қуроллар, тарқатма материаллар, кўшимча адабиётлар билан тўлдириш бўйича ҳам кўп ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, юртимизда аҳолининг таълимдан ташқаридаги қатламлари орасида маънавий-мафкуравий ишларни олиб бориш тизими ҳам шаклланди.

Муҳтарам Президентимиз ўзининг кўпгина чиқишларида ҳозирги дунё миқёсида ақл-заковат ва фикр мусобақаси кетаётган шиддатли бир даврда фақат мустақил фикрига эга бўлган, ўзининг кимлиги, қандай буюк зотларнинг авлоди эканини чуқур англаб етган, ён-атрофидаги воқеаларга дахлдорлик туйғуси билан яшайдиган ҳар томонлама билимли ва баркамол ёшларгина ўз халқи ва Ватани шухратини дунёга ёйишга қодир бўлиши ҳақида доимо таъкидлайди. Чиндан ҳам, бугунги даврда мафкуравий иммунитетнинг асосий мезони бўлган юксак тафаккур ва маънавият ҳар қандай ютуқ ва ғалабанинг асосий шарти ва гаровига айланиб бормоқда. Негаки, маънавиятсиз одам фикран бошқаларга қарам, тобе бўлади. У фақат топшириқни бажаришдан бошқа нарсага ярамайди. Ҳозирги юқори замонавий технологиялар замонида эса берилган топшириқларни техника воситалари ҳам қойилмақом қилиб бажариши мумкин.

Шунинг учун ҳам маънавият ёшларнинг парвозини таъминлайдиган, уларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшадиган қанот эканини унутмаган ҳолда, ёшлар ўртасида фаол маънавий-маърифий иш олиб бориш, уларнинг Ватанга муҳаббат, ҳар бир ишга садоқат руҳида тарбия топтириш долзарб вазифага айланмоқда.

Маънавият аввало ўз халқи ва Ватанига муҳаббат – ватанпарварлик туйғусидан бошланади. Бундай туйғудан маҳрум одам ҳеч қачон маънавиятли бўлолмайди. Муқаддас ҳадисларда “Ватанни севмоқ – иймондандир” деб бежиз айтилмаган. Маълумки, иймон-эътиқод инсон маънавиятини шакллантирадиган асосий мезонлардан бири. Чунки бирон нарсага ишонмаса, меҳр қўймаса, инсоннинг қалби ва онгида юксак туйғу ва тушунчалар тизими вужудга келиб,

камолга етмайди. Модомики, иймон-эътиқод инсоният маънавиятининг ўзаги ва ўз навбатида иймонли-эътиқодли бўлишнинг шарти Ватанни севиш билан боғлиқ экан, ҳеч шубҳасиз, ватанпарварлик энг юксак фазилатлардан биридир.

Тарихий тараққиёт жараёнида шаклланиб, сайқалланиб келган миллий ғоямизнинг туб негизлари бўлган ҳаётий мисолларга эътибор берайлик. Юртимиз заминида яшаб ўтган жасур аёл – Тўмарис кудратли душманнинг ҳийла-найранглари олдида ўзини йўқотиб қўймасдан, адолат учун жангга кирган. Шу тариқа лашкарининг сони жиҳатдан ўзидан анча устун бўлган ёвнинг устидан ғалаба қозонди. Қўлида на қурол, ёнида на лашкари бўлган оддий чўпон Широқнинг жасоратини олайлик. У ўзининг ёв қўлида ўлишини олдиндан билган бўлса-да, муқаддас Ватан тупроғи душман оёқлари остида топталмаслиги учун онгли равишда жасоратга қўл уради – ёв қўшинини кимсасиз дашти биёбонга олиб бориб, уни ўлимга маҳкум этади, ўзи ҳам ҳалок бўлади. Лекин она юртини босқинчилардан сақлаб қолади. Келгуси авлодлар учун маънавий ибрат бўладиган тенгсиз жасорат намунасини мерос қилиб қолдиради. Буюк ватандошимиз – Жалолиддин Мангуберди дунёнинг тенг ярмини ўзига бўйсундирган, аскарлари билан ер юзини мўри малаҳдек босган мўғул қўшинига қарши 12 йил давомида муттасил кураш олиб борган. Ҳолбуки, Жалолиддин Мангубердининг имкониятлари Чингизхонниқига нисбатан жуда чекланган бўлган – унинг ихтиёрида оз сонли лашкар ва қурол-яроғ бўлган. Шунга қарамай, у кудратли ёвга қарши мардона жанг қилган. Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг мўғуллар истилоси остида ётган Турон заминни озод қилиб, бу ерда улкан салтанат барпо этганини эсга олайлик. Албатта, улуғ аждодимизга халқни душманга қарши оёққа турғизиш, унинг ҳақ-ҳуқуқини таъминлаш осон бўлмаган. Бунинг учун бочқинчиларга қарши тинимсиз кураш олиб бориш, ўз ҳаётини жиддий хавф-хатарларга қўйишга тўғри келган.

Ватан туйғуси, Ватан ҳисси шу қадар муқаддас бўлгани учун бизнинг миллий ғоямизнинг асосий тушунчаларидан бири Ватан тараққиёти деб номланади. Бу эса ватанпарварлик ҳеч қачон эскирмаслиги ва кун тартибидан тушмаслиги, ҳамма замонларда ҳам долзарбдир.

Миллий ғоямизнинг асосида турадиган яна бир муҳим қадриятлардан бири – бу аждодлар руҳига садоқат, ворисийлик туйғусидир. Негаки, ўз аждодларининг кимлигини яхши билмайдиган, уларнинг меросидан беҳабар бўлган одам руҳан ғариб бўлади. Уни хоҳлаган қўйга солиш, йўлидан оғдириш, ёмон йўлларга бошлаш осон бўлади. Ўз ота-боболарининг шонли анъаналарини яхши билган, уларнинг инсоний моҳиятини чуқур тушуниб етган инсонлар эса, бошқалар етаклайдиган йўлдан эмас, балки ана шу аждодларининг изидан бориш, уларнинг ишини давом эттириш ҳақида ўйлайди, ўз ҳаётини ҳам шу асосга қуради.

Миллий ғояда акс этиган Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, Халқ фаровонлиги каби ғоялар албатта, ёшларда мафкуравий иммунитет шаклланишига хизмат қилиши шубҳасиздир.

Ўзбек халқининг асрий анъаналари, жумладан, тарбия соҳасидаги анъаналари аждодларимизнинг табаррук дини билан боғлиқ. Ёши катталарга салом бериш, уларни ҳурмат қилиш, ёши кичиклар ва кучсизларни авайлаш, илм олиш ва касб ўрганишга даъват, ҳалол меҳнат қилишга чақириш, қўшнилари билан хушмуомала бўлиш каби анъаналар ўзбеклар оилаларида, уларнинг динга муносабатларидан қатъий назар, ёшларга сингдириб келинган. Афсуски, илғор қарашли, ўқимишли, одобли ва келажагини бугундан, ёшлик чоғидан қураётган ёшлар билан бир қаторда, ишёқмас, кўпол, такасалтанг, саводсиз ва гумроҳ ўспирин ёшлар ҳам учраб турибди. Кузатишлар шуни кўрсатадики, бундай ёшлар ҳам дунёвий, ҳам диний саводсиз бўлиб, уларнинг тарбиясига оилаларида кам эътибор берилган, асосан, моддий таъминлаб қўйиш билан чекланилган.

Ватанпарварлик ҳам миллий, ҳам умуминсоний маънавий қадриятларнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлади. Ватанга бўлган муносабат маънавият даражасига кўтарилиб, инсон фаолиятига, мақсад ва вазифларига айланши - ватанпарварликдир. Ватанпарварликни ҳарбий соҳа, касб-кор билан чамбарчас боғлиқ тушунча. Шунинг учун “ҳарбий ватанпарварлик” тушунчаси муомалага киритилди. Ватанга қасамёд содиқ қолиш ҳарбий хизматдаги ёки уни ўтаётган фуқарога нисбатан қўлланиладиган ибора. У маълум бир вақтда, тартибда ва шартда бажарилади. Ватанга қасамёдга содиқлик ана шу ҳарбий актнинг ниҳояси сифатида келади ва уни ҳарбийлар ҳам, ҳарбий қасамёд қилган фуқаро ҳам баб-баробар бажаради. Ватанга қасамёд-эътиқод рамзидир. Уни келтирган фуқаро ёки ҳарбий хизматчи талаб этадиган нормаларга қатъий риоя этишни маъсулият деб ҳисоблайди. Ватанга қасамёдни бузиш хоинлик, сотқинлик ҳисобланади. Қасам шахсни мудом сергак яшашга ундайди, ватан тақдирига тааллуқли хабар ва маълумотларни бегона, ёт, ёв томонга тарқатмасликни бурч сифатида унга юклайди. Бу бурчни бузмаслик учун Ватан, ота-она, оила, бутун халқи номидан қасам ичади ва шу тариқа, ўз қалбидаги ватанпарварликни ифода этади. Қасам ичиш ва унга амал қилиш, уни бузмаслик ватанпарварликнинг олий кўринишидир. Ватанга муҳаббат ҳаётда ҳар қайси инсоннинг эзгу орзу-умидлари бўлади. Айниқса, озод ва обод Ватанда ўсиб-улғайётган, қалби пок ҳис-туйғулар билан тўлган ёшларнинг орзулари бир олам. Ана шу орзуларнинг енг улуғи ота-онага, эл-юртига Президентига беминнат хизмат қилиш, уларнинг олдидаги фарзандлик бурчини сидқидилдан адо этишдир. Бу орзуга эришиш учун инсон болаликдан бошлаб ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, зарур билим, кўникма ва

хунарларни эгаллаши, ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом ва бақувват бўлиши лозим.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш – ёшларда Ватанга садоқат туйғусини шакллантириш, уларни ўз фуқаролик бурчи ва конституцион мажбуриятларини бажаришга, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қодир шахслар этиб тарбиялашга йўналтирилган фаолиятдир. Унинг натижасида ёшлар Ўзбекистон деган номни эшитганда, Ватан байроғи баланд кўтарилганда қувонч, ифтихор туйғусини туйиши лозим. Ватанга бўлган муҳаббат ҳисси уларнинг қалбида жўш уриши керак. Она-Ватанимизни кўз қорачиғидек асраш, унинг шуҳратини дунёга тараннум этиш, ўсиб келаётган авлоднинг ҳаётий ва профессионал кўникмаларни илм-маърифат асосида юксалтириш ҳар бир устоз-мураббийнинг бурчидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (литература)

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташиқоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // “Халқ сўзи”, 2017 йил 20 сентябрь..*
2. *Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: “Маънавият”, 2008. –70 б.*
3. *Изучение общественного мнения в Узбекистане. Тошкент, 2018. – С. 211.*
4. *Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1998. – 426 б.*
5. *Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.Т.1.–Тошкент: ”Ўзбекистон”, 1996. – 51 б.*
6. *Отамуродов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. – Тошкент: “Ўзбекистон”, НМИУ, 2013. – 297–298 б.*